# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 26 сентябрь, № 198 (8821) Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ГЛОБАЛ ВА МИНТАҚАВИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНМОҚДА

**Самарқанд шаҳрида 25-26 сентябрь кунлари Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгаши IX йиллик йиғилиши ўтказилмоқда.**




Саммитда 100 дан ортиқ мамлакатлардан юқори даражали делегациялар, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари, етакчи хорижий компанияларнинг бошқарувчилари ва нуфузли экспертлар — икки мингга яқин иштирокчилар қатнашмоқда.

"Барча учун барқарор инфратузилма яратиш" мавзуида ўтказилаётган бу галги йиғилиш кун тартибидан глобал иқтисодиёт ва молия соҳаларидаги долзарб масалалар, Осиё ва дунёнинг бошқа минтақаларида инфратузилмани ривожлантиришнинг стратегик дастурлари ва режаларини муҳокама қилиш ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгаши IX йиллик йиғилишининг очилиш сессиясида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

— Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгашининг йиллик йиғилиши минтақамизда илк бор ўтказилмоқда. Бунинг учун Ўзбекистон танлангани ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган ҳамкорлигимизнинг юксак намунаси, деб ҳисоблаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон етакчиси ҳозирги кунда дунёда мураккаб геосиёсий вазият сақланиб қолаётганини, глобал иқтисодиётда беқарорлик кучайиб, озиқ-овқат ва энергия ресурслари тақчиллиги ортиб, экологик муаммолар кескинлашиб бораётганини таъкидлади.

Ер юзи аҳолисининг тўртдан бир қисми тоза ичимлик суви муаммосига дуч келмоқда, қарийб 800 миллион киши ўта қашшоқлик шароитида яшаяпти.

Маҳсулот етказиб беришнинг анъанавий логистика занжирлари бузилмоқда, бу эса хомашё ресурслари ва истеъмол товарларининг қимматлашувига олиб келди.

Буларнинг барчаси инфратузилмага бўлган юкламани кескин оширади ва иқтисодий ривожланишга тўсиқ бўлади.

2030 йилгача дунёда янги инфратузилма яратиш учун 15 триллион доллар инвестиция талаб этилади, хорижий инвестициялар оқими эса сўнгги икки йил давомида йилига 10 фоизга камайиб, молиявий ресурслар нархи 2 бобарга ошган.

Бундай шароитда халқаро молия ташкилотларининг роли тобора ортиб бормоқда.

Жорий лойиҳа портфели 55 миллиард доллар бўлган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки қисқа вақт ичида етакчи молия институтларидан бирига айлангани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ортга қайтмас ислоҳотлар ва янгиланишлар сиёсатига алоҳида тўхталиб ўтди.

➡ 2

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Цзинь Лицюнь жаноблари!

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Ўзбекистон заминида, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида кўриб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгашининг йиллик йиғилиши минтақамизда илк бор ўтказилмоқда. Бу нуфузли анжуманнинг навбатдаги, тўққизинчи мажлиси учун айнан Ўзбекистон танланганини биз ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган ҳамкорлигимизнинг юксак намунаси, деб биламиз.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Янги Ўзбекистон муҳим глобал ва минтақавий масалаларни муҳокама қилиш, уларга самарали ечимлар топиш учун халқаро мулоқот майдонига айланиб боряпти.

Бугунги анжуманимизда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларидан 2 мингга яқин вакиллар қатнашмоқда. Сизлар мамлакатимиздаги жадал ислоҳотлар, қулай инвестиция ва тадбиркорлик муҳити билан яқиндан танишиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб оласизлар.

Шу билан бирга, юртимизнинг бой тарихи ва замонавий қиёфасини ўзида мужассам этган Самарқанд шаҳри барчангизда ўчмас таассурот қолдиради, деб ишонаман.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Ҳеч кимга сир эмас, дунёдаги таҳликали вазият кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Ҳозирда жаҳондаги мураккаб геосиёсий вазият, глобал иқтисодиётдаги беқарорлик, озиқ-овқат ва энергия ресурслари танқислиги, камбағаллик, экология муаммолари тобора ўткир тус олиб бормоқда. Масалан, ўртача глобал ҳарорат 2040 йилга қадар 1,5 даражага ортиши прогноз қилинган эди. Лекин ҳозирги вазиятда бу ҳолат 2030 йилдаёқ юз бериши мумкинлиги бизни жиддий хавотирга соляпти.

Дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми тоза ичимлик суви муаммосига дуч келмоқда. Иқлим ўзгариши суръатлари тезлашиши оқибатида озиқ-овқат танқислиги глобал хавфга айланди. Натижада дунёда 800 миллионга яқин аҳоли ўта оғир камбағаллик шароитида яшаяпти.

Турли минтақаларда авж олаётган зиддиятлар боис анъанавий логистика йўналишлари мутлақо ўзгаряпти. Маҳсулот етказиш занжиридаги узилишлар хомашё ва истеъмол товарларининг қимматлашишига сабаб бўляпти.

Буларнинг барчаси — мавжуд инфратузилмага бўлган юкламани кескин оширади ва глобал иқтисодий тараққиётга катта тўсиқ бўлади. Экспертлар фикрига кўра 2030 йилгача дунёда янги инфратузилма учун 15 триллион доллар инвестиция талаб қилинади.

Шунингдек, хорижий инвестициялар оқими сўнгги икки йилдан буён 10 фоиздан камаймоқда, дунёда молиявий ресурслар қарийб 2 баробар қимматлашди.

Булар барча мамлакатларнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишини қийинлаштирмоқда.

Бундай шароитда глобал хавф-хатарлар оқибатларини юмшатиш, барқарор ўсиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашда халқаро молия ташкилотларининг роли янада ошиб бормоқда. Бу борада Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки қисқа давр ичида 55 миллиард долларлик лойиҳалар портфели билан нафақат минтақа, балки жаҳон миқёсидаги энг нуфузли молия ташкилотларидан бирига айланганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Азиз дўстлар!

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда ортга қайтмас тус олган ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар жадал амалга оширилмоқда. Биз иқтисодиётни либераллаштириш, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтиришга асосий эътибор қаратяпмиз.

Ўтган даврда ялпи ички маҳсулотимиз ҳажми 2 баробар кўпайиб, илк бор 100 миллиард доллардан ошди. Келгуси беш йилда бу рақамни 160 миллиард долларга етказишни режа қилганмиз.

Бундан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимизни аҳолиси даромади ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш. Ушбу мақсадларга эришиш учун олдимизга катта-катта марраларни қўйганмиз.

**Биринчи.** Биз тўрт йил ичида мамлакатимиздаги камбағаллик даражасини 23 фоиздан 11 фоизга туширишга эришдик.

Жорий йил бу кўрсаткични 9 фоизгача, 2030 йилга қадар эса 2 баробар пасайтиришни мақсад қилганмиз.

Бизнинг ислоҳотларимиз туб негизида тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, одамларимиз учун барча соҳаларда янги иш ўринларини ва даромад манбаларини кўпайтиришдек устувор вазифа мужассам.

➡ 2

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ – МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (ОИИБ) Бошқарувчилари кенгашининг йиллик йиғилиши доирасида ушбу етакчи халқаро молия институти президенти Цзинь Лицюнь ва бир қатор нуфузли делегациялар раҳбарлари, вазирлар ва йирик компаниялар етакчиларини қабул қилди.**





ОИИБ президенти Цзинь Лицюнь банкнинг асосий тадбирини Самарқанд шаҳрида ўтказишга ҳар томонлама кўмаклашгани учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда Янги Ўзбекистондаги ортга қайтмас ислоҳотларни бундан буён ҳам қатъий қўллаб-қувватлашини тасдиқлади.

Ўзбекистоннинг Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан кенг қамровли ҳамкорлигини ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда ҳамкорлик энг юқори даражага кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## САЙЛОВ — 2024

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон Экологик партияси номидан «Яшил ва мусаффо ҳаёт, соғлом келажакни истаганларнинг барчаси биз томонда» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.**

3-саҳифага қаранг.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

1
Шу билан бирга, аҳолининг сифатли таълим ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уй-жой шароитларини яхшилаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, энг оғир ҳудудларда инфратузилма тармоқларини барпо этишни қамраб олган “кўп ўлчовли” камбағалликни қисқартириш дастурини амалга оширяпмиз.

Шу боис илғор хорижий ёндашувлар асосида энг қуйи бўғин — маҳалла даражасига тушган ҳолда камбағалликни қисқартириш бўйича Ўзбекистон тажрибасини яратдик. Яқинда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори жаноб Абхижит Банержи “Ўзбекистондаги маҳалла тизими ҳар бир муҳтож оилани камбағалликдан олиб чиқиш бўйича ўзининг ноёб рецептига эга”, деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

**Иккинчи.** Инсон капиталини ривожлантиришни мамлакатимиз барқарор ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишининг мустаҳкам пойдевори, деб биламиз.

Бу борада сўнгги саккиз йилда мактабгача таълим қамровини 27 фоиздан 74 фоизга оширдик.

Янги мактаблар қурилиб, қўшимча 800 мингта ўқувчи ўрни яратилди. Олий ўқув юртлари сони 200 дан ошиб, қамров 9 фоиздан 38 фоизга етди.

Биз келгуси 3-4 йилда мактабгача таълим қамровини камида 80 фоизга етказишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун хусусий сектор билан бирга 240 минг ўринли боғчалар барпо этилади.

Шунингдек, келгуси йилдан бошлаб давлат-хусусий шериклик асосида ҳар йили барча шаҳар ва қишлоқларда энг илғор стандартларга мос келадиган 100 тадан янги мактабларни ишга туширишни режа қилдик. Бунга келгуси йилларда 2 миллиард доллар инвестиция киритамиз.

Биз таълимдаги лойиҳаларни халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлигимизнинг янги истиқболли йўналиши сифатида белгилаб олишни таклиф қиламиз.

**Учинчи.** Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда энергетика, сув, транспорт, IT ва бошқа инфратузилмаларни яхшилаш учун йиллик эҳтиёжимиз ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизига тенг.

Шу маънода, бугунги анжуман “Барча учун барқарор инфратузилма яратиш” мавзуида ўтказилаётганини олқишлаймиз.

Бу борада халқаро молия ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, катта тажриба орттирдик. Бунинг натижасида ушбу соҳаларга хусусий сектор фаол кириб бормоқда.

Биз 2030 йилгача 30 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича катта дастур қабул қилдик. Хусусан, Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Андижон йўналишларида пуллик автомобиль йўллари, Тошкент — Самарқанд, Самарқанд — Навоий — Бухоро йўналишларида тезюрар поездлар учун янги темир йўл қуриш лойиҳалари амалга оширилади.

Республиканинг 6 та халқаро аэропортини модернизация қилишни давлат-хусусий шерикликка берамиз.

Шунингдек, келгуси беш йилда электр, сув ва газ тақсимлаш тармоқларини бошқариш хусусий операторларга ўтади. Масалан, Самарқанд вилоятининг электр тармоқларини бошқарувга олиш бўйича ўтказиладиган тендерга 50 дан зиёд хорижий нуфузли компаниялар ўз қизиқишини билдирди.

Шу билан бирга, бизда ҳар йили 100 мингдан зиёд хонадонли уй-жойлар қурилмоқда. Масалан, Тошкент, Самарқанд, Наманган ва Андижон каби йирик шаҳарларимиз ҳамда қолган вилоятлар марказларига йўлдош “Янги Ўзбекистон” шаҳарчаларини қуриш бўйича катта лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Бу борада ўрта шаҳарларни ривожлантириш бўйича 200 миллион долларлик, қишлоқ жойлардаги инфратузилмани яхшилаш бўйича 130 миллион долларлик лойиҳаларни Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан ҳамкорликда бошлаганимизни алоҳида эътироф этмоқчиман.

Ишончим комил, Банк ва бошқа ҳамкорларимиз билан бундай инфратузилмавий лойиҳаларни янада кенгайтирамиз.

**Тўртинчи.** “Яшил” иқтисодиётни жадал ривожлантиришни олдимизга устувор вазифа сифатида қўйиб, 2030 йилгача “яшил” энергия манбаларини 40 фоизга етказиш бўйича катта марра олганмиз.

Бу борада Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки 2030 йилга бориб жами портфелининг 50 фоизини иқлим ўзгариши билан боғлиқ лойиҳаларга йўналтириши бизнинг мақсадларимиз билан ҳамоҳанг.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган йирик “яшил” энергия лойиҳаларида Банк нуфузли хорижий компаниялар билан бирга ишлаб, бу соҳада глобал даражада янги андозаларни яратмоқда.

Биз келгуси йилларда яна 18 гигаватт қуёш ва шамол, 3 гигаватт гидроэлектрстанциялари, 5 гигаватт энергия жамлаш сиғимлари ҳамда 5 миллиард долларлик электр тармоқларини ишга туширамиз.

Мазкур лойиҳалар орқали йирик “яшил” маълумотлар марказларини ҳам яратмоқчимиз. Бу — барча халқаро молия ташкилотлари учун ҳам жозибадор лойиҳа бўлади, деб ҳисоблайман.

Шу билан бирга, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан йилига 100 миллион долларлик “яшил” сертификатлар бозори шаклланиб, бу халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналиши бўлишига ишонаман.

Қўшни мамлакатлар ҳам қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича катта лойиҳаларни бошлаганини қайд этиш лозим. Келгуси йилларда қайта тикланувчи энергия ресурсларига бой Марказий Осиё жаҳон энергетика бозорларига “яшил” энергия етказиб берадиган йирик экспортчига айланиши учун катта қадамлар ташлаяпмиз. Бу борада Транскаспий электр тармоғини барпо этиш лойиҳаси катта салоҳиятга эга эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу ўринда, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки бошчилигида Марказий Осиёда “яшил” энергияни ривожлантириш дастурини амалга оширишни таклиф қиламан.

**Бешинчи.** Бугунги кунда Марказий Осиё аҳолиси 80 миллиондан ошди. Минтақанинг ялпи ички маҳсулоти келгуси беш йилда 700 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, минтақамизда йирик инфратузилма лойиҳаларига талаб кун сайин ортиб бормоқда.

Ҳозирда амалга ошириш бошланган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш ана шундай йирик минтақавий инфратузилма лойиҳасига яққол мисолдир.

Бундан ташқари, Марказий Осиёда озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув ресурслари тақчиллиги муаммолари айниқса ўткир тус олмоқда.

Ўзбекистон бу борада ўз стратегиясини ишлаб чиқиб келгуси беш йилда сувдан фойдаланиш самарадорлигини 25 фоизга ошириш орқали 15 миллиард куб метр сувни тежаш бўйича катта лойиҳаларни бошлаган.

Лекин сув муаммосини ҳал қилиш бутун минтақа давлатлари ва халқаро молия ташкилотларининг биргаликда ишлашини талаб қилади.

Шу боис Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан ҳамкорликда сув тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш бўйича минтақавий марказ ташкил этиш ташаббусини илгари сурмоқчиман. Ўйлайманки, қўшниларимиз ҳам бу ташаббусимизни қўллаб-қувватлайди.

Ҳурматли банк бошқарувчилари!

Ўзбекистон барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг ҳиссасини юқори баҳолайди.

Бугунги кунда инфратузилма, энергетика, транспорт, сув таъминоти ва барқарор ривожланиш йўналишида Банк билан 3 миллиард долларлик 15 та лойиҳа амалга оширияпти.

Мамнуният билан айтишим керакки, буларнинг ҳисобидан Ўзбекистон банкнинг “ТОП — 10” та ҳамкоридан бирига айланди. Мисол учун, Банк билан ҳамкорликда Бухоро вилоятидаги ичимлик суви тармоқларини яхшилаш бўйича 720 миллион долларлик лойиҳа қарийб 1,5 миллион аҳолини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлайди. Ёки Бухоро — Хива темир йўлини электрлаштириш лойиҳасини ишга тушириш натижасида Хива шаҳрига йилига қўшимча 1 миллион турист жалб қилиш имконияти яратилади.

Таъкидлаш керакки, шу кунларда Банк билан келгуси уч йилда яна 4 миллиард долларлик лойиҳалар дастурини амалга оширишга келишиб олдик.

Фурсатдан фойдаланиб, биз билан биргаликда лойиҳаларни амалга ошираётган ва кенг кўламли ислоҳотларимизни қўллаб келаётган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти Цзинь Лицюнь жанобларига, Банкка аъзо давлатлар ҳукуматлари ва бошқарувчиларига яна бир бор чуқур миннатдорлик билдираман.

Ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлида Банкнинг барча жамоасига улкан муваффақиятлар тилайман.

Шунингдек, бугун анжуманда иштирок этаётган Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки ҳамда йирик компания ва инвесторларга ўзимнинг алоҳида ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Келгуси икки кунда Банк бошқарувчилари олдида жуда муҳим глобал ва минтақавий муаммоларга замонавий ёндашувлар асосида ечимлар топиш, янги лойиҳа ва дастурларни муҳокама қилиш каби масъулиятли вазифалар турибди.

Сизлар қабул қиладиган қарорлар Банкка аъзо мамлакатларда яшайдиган 6 миллиарддан зиёд аҳолининг кундалик ҳаётига бевосита таъсир қилади.

Ушбу улкан вазифаларни амалга оширишда сизлар ўзингизнинг чуқур билим, бой тажриба ва куч-ғайратингизни аямайсизлар, деб ишонаман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва қадимий Самарқандда ишларингиз муваффақиятли бўлишини тилайман.

Сиз, азиз дўстларимизни Ўзбекистонга яна кўп бор келишингизни кутиб қоламиз.

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ — МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

1
Лойиҳалар портфели 3 миллиард доллардан ошди, бу эса Ўзбекистонни ОИИБнинг минтақадаги асосий бенефициарига айлантирди ва амалиётлар ҳажми бўйича дунёда олтинчи ўринга чиқарди.

Транспорт, энергетика, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, коммунал соҳа ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти ОИИБ билан 2030 йилгача инфратузилмани ривожлантириш бўйича стратегик шериклик дастурини тайёрлашга киришиш ташаббусини илгари сурди.

Устувор йўналишлар сифатида камбағалликни қисқартириш, Янги Тошкентни барпо этиш, давлат-хусусий шериклик ва хусусий сектор лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, таълим соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш, сув, транспорт ва энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш каби соҳалар белгиланди.

Марказий Осиё минтақасида йирик инфратузилма лойиҳаларини илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ҳузурида умумий қиймати 4 миллиард доллардан ортиқ истиқболли лойиҳалардан иборат 2026 йилга қадар бўлган даврга мўлжалланган янгиланган “Йўл харитаси” имзоланди.

Хитой молия вазири Лань Фоанни қабул қилиш чоғида вазир давлатимиз раҳбарига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни олий даражадаги келишувларга мувофиқ кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Хитойнинг етакчи банк-молия институтлари билан шерикликни мустаҳкамлаш, устувор инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳиндистон Республикаси молия ва корпоратив ишлар вазири Нирмала Ситхараман ҳам давлатимиз раҳбарига Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Жорий йил ноябрь ойида Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини пухта тайёргарлик кўрган ҳолда ўтказиш ҳамда унинг доирасида Саноат кооперацияси дастурини қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Энергетика, нефть-кимё, рақамлаштириш, соғлиқни сақлаш, фармацевтика соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш, транспорт йўлакларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президентига Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказган Қатар Давлати молия вазири Али бин Аҳмад ал-Куварий билан мулоқот давомида “яшил” энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, туризм, инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа йўналишлардаги лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Йил якунига қадар Доҳа шаҳрида Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва қўшма бизнес форуми ўтказилиши қайд этилди. Шунингдек, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари дунёдаги энг йирик компаниялардан бири, 30 та мамлакатда 100 дан ортиқ офиси мавжуд “Franklin Templeton” компанияси бош инвестиция директори Манраж Секхонни ҳам қабул қилар экан, ўзаро мулоқотда Ўзбекистон Миллий инвестиция фондини ривожлантириш, стратегик давлат корхоналарини трансформация қилиш ва уларнинг акцияларини фонд бозорларига жойлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлат корхоналари самарадорлигини ошириш, капитал бозорини ривожлантириш ва “халқчил IPO” ўтказиш бўйича дастурларда қатнашишдан манфаатдорлик билдирилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгашининг йиллик йиғилишида иштирок этаётган “Lasselsberger Group” компанияси асосчиси ва бош директори Йозеф Ласселсбергерни ҳам қабул қилди.

1957 йилда ташкил этилган “Lasselsberger Group” Европадаги қурилиш материаллари, керамика ва минерал маҳсулотларнинг етакчи ишлаб чиқарувчиси бўлиб, йиллик айланмаси 20 миллиард долларни ташкил этади.

Учрашувда қурилиш материаллари саноатида юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Айни пайтда Самарқанд вилоятида қуруқ аралашмалар ва микрокальцит ишлаб чиқариш, Қашқадарё вилоятида мармарни қайта ишлаш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Юқори софликдаги алюминий ва мета-каолин, керамогранит, лок-бўёқ маҳсулотлари ва фиброцемент ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳаларни жадаллаштиришга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайян билан учрашувда мазкур компания билан кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишда муваффақиятли ҳамкорлик қилинаётгани, Саудия Арабистони сармоясини мамлакатимизга жалб этишда “ACWA Power” муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади.

Энергетика, транспорт, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, иссиқлик таъминоти тармоқларини модернизация қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги каби йўналишларда қўшма лойиҳаларни жадаллаштиришга келишиб олинди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Самарқанд шаҳрига ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ГЛОБАЛ ВА МИНТАҚАВИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНМОҚДА

1
Иқтисодиётни эркинлаштириш, аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Ушбу мақсадларга эришишда халқаро молия институтлари, шу жумладан, ОИИБ билан ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Энг аввало, тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, иш ўринлари яратиш, одамларнинг даромад манбаларини кўпайтириш, аҳолининг сифатли таълим ва тиббиётдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уй-жой шароитларини яхшилаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, олис ҳудудларда инфратузилма тармоқларини яратиш орқали “кўп ўлчамли” камбағалликни қисқартириш дастури амалга оширилмоқда.

Инсон капиталини ривожлантириш лойиҳаларини ҳамкорликнинг истиқболли йўналиши сифатида белгилаш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари форумнинг асосий мавзусини инобатга олган ҳолда барқарор инфратузилмани яратиш соҳасида халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўпланганига алоҳида тўхталиб ўтди.

Мамлакатимизда 2030 йилгача 30 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш дастури қабул қилинган.

Хусусан, Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Андижон пуллик автомобиль йўлларини қуриш, Тошкент — Самарқанд, Самарқанд — Навоий — Бухоро тезюрар темир йўлини барпо этиш, 6 та халқаро аэропортни модернизация қилиш ва бошқа муҳим лойиҳалар амалга оширилади.

ОИИБ билан ўрта шаҳарларни ривожлантириш ва қишлоқ жойларда инфратузилмани яхшилаш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Яна бир устувор йўналиш — “яшил” иқтисодиётни жадал ривожлантириш. Ўзбекистонда 2030 йилга бориб “яшил” энергия улушини 40 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Яқин йилларда қуёш, шамол ва гидроэлектрстанциялари, инфратузилма объектлари ва тармоқларини қуриш режалаштирилмоқда.

Йирик “яшил” маълумотлар марказларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига “яшил” сертификатлар бозори шакллантирилади.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёни “яшил” энергиянинг йирик экспортчисига айлантиришга қаратилган катта ишларни алоҳида таъкидлади. Бунинг мисолларидан бири Транскаспий энергия кўприги қурилиши ҳисобланади.

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан ҳамкорликда Марказий Осиёда “яшил” энергетикани ривожлантириш дастурини амалга ошириш таклиф этилди.

Шунингдек, йирик минтақавий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга бўлган эҳтиёж ошиб бораётганига эътибор қаратилди.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бунинг ёрқин мисолидир.

Айни пайтда Марказий Осиёда озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув ресурслари тақчиллиги муаммолари айниқса ўткир тус олмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан ҳамкорликда сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш бўйича Минтақавий марказ ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Президент ОИИБнинг Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишига қўшаётган ҳиссасини юқори баҳолади. Бугунги кунда инфратузилма, энергетика, транспорт, сув таъминоти, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш каби йўналишларни қамраб олган қўшма лойиҳалар портфели 3 миллиард доллардан ошган. 4 миллиард долларлик янгиланган дастурни амалга ошириш бўйича келишувга эришилди.

— Келгуси икки кунда Банк бошқарувчилари олдида жуда муҳим глобал ва минтақавий муаммоларга замонавий ёндашувлар асосида ечимлар топиш, янги лойиҳа ва дастурларни муҳокама қилиш каби масъулиятли вазифалар турибди. Сизлар қабул қиладиган қарорлар Банкка аъзо мамлакатларда яшайдиган 6 миллиарддан зиёд аҳолининг кундалик ҳаётига бевосита таъсир қилади, — деди сўзининг якунида Президент Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари саммит ишига муваффақиятлар тилади.

Йиғилиш очилиш сессиясида Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгаши президенти Цзинь Лицюнь сўзга чиқиб, форумни юқори савияда ўтказишдаги амалий кўмаги учун мамлакатимиз раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Шунингдек, банк президенти ОИИБ томонидан амалга оширилаётган лойиҳа ва ташаббуслар, уларнинг ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятига эътибор қаратди. Келгусида эътибор қаратиш лозим бўлган йўналишларни санаб ўтди.

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки — бу кўп томонлама ривожланиш банки бўлиб, у барқарор, экологик тоза ва технологик инфратузилмани молиялаштириш орқали Осиёда ва ундан ташқарида инсонларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаровонлигини ошириш билан шуғулланади. Банк барқарор инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, трансчегаравий алоқаларни мустаҳкамлаш ва хусусий капитални сафарбар қилишга қаратилган. Марказий Осиёда ОИИБ минтақавий алоқаларни ривожлантириш, энергия ва сув ресурслари бошқарувини яхшилаш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда асосий роль ўйнайди.

Ташкилот 2016 йил январь ойида Пекинда ўз фаолиятини бошлаган ва шу вақтдан бери дунё бўйлаб 109 тасдиқланган иштирокчини ўз сафида бирлаштирди. Банкнинг капитализацияси 100 миллиард долларини ташкил этади. Банк йирик халқаро кредит рейтинг агентликлари томонидан “Triple-A” рейтингига эга.

Ўзбекистон 2016 йил ноябрь ойида Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки аъзолари қаторидан ўрин олган. Сўнгги йилларда мамлакатимиз банкнинг энг йирик бенефициарларидан бирига айланди.

ОИИБнинг йиллик йиғилиши банкнинг иштирокчилари, ҳамкор институтлар, бизнес етакчилари, фуқаролик жамияти вакиллари ва турли соҳалар экспертлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш учун муҳим платформа ҳисобланади. Бошқарувчилар кенгаши IX йиллик йиғилиши доирасида 25 дан ортиқ панель муҳокамалар ўтказилиши кўзда тутилган.

Жумладан, форумнинг биринчи кунги сессияларида ОИИБ билан бизнес юритиш имкониятлари, эртанги кун учун мустаҳкам йўлларга инвестиция киритиш, иш берувчининг глобал танлови — истеъдод ва маданиятни ўзгартириш, таълим, соғлиқ сақлаш соҳалари ва иқлим ўзгаришларининг уларга таъсири каби мавзулар муҳокама этилди. Шунингдек, форум доирасида банк раҳбарияти ва аъзо давлатлар вакилларининг икки томонлама учрашувлари, лойиҳалар тақдимотлари кўзда тутилган.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

# ЯШИЛ ВА МУСАФФО ҲАЁТ, СОҒЛОМ КЕЛАЖАКНИ ИСТАГАНЛАРНИНГ БАРЧАСИ БИЗ ТОМОНДА

OʻEP
Oʻzbekiston Ekologik partiyasi

**Ҳар бир мамлакатнинг барқарор ривожланиши соғлом экологияга боғлиқ экани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Бугун биз дуч келаётган иқлим ўзгаришлари, ер, сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, саноат ва маиший чиқиндиларнинг тўпланиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондининг камайиб бориши каби тизимли муаммолар давлат ва жамият ривожланишида экологик масалаларни устувор вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда.**




Ўзбекистон Экологик партиясининг яқинда бўлиб ўтган V форумида унинг Сайловолди дастури тасдиқланди. Партиямизнинг келгуси беш йилликка мўлжалланган мазкур дастурий платформасидан бугунги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни яратиш, хавфсиз ва самарали бўлган "яшил" иқтисодиётга ўтиш, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда "яшил" ва мусаффо ҳаёт барпо этишнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топди.

Партиямиз сиёсий майдонда ўзининг **"сўл"** позициядаги сиёсий қарашлари, **экологизм** мафкураси билан **"Табиат учун бирлашайлик"** шиори остида бошқа партиялардан кўра аниқ ва реал ташаббуслар билан чиқяпти, десак, муболаға бўлмайди.

### *Биринчи: аҳолининг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш.*

Соғлом экология — бу соғлом турмуш ва соғлом ҳаёт, умуман, соғлом жамият демак. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 9-бобида фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари қаторида экологик ҳуқуқлари ҳам мустаҳкамланди.

*Партиямиз **шаҳарларда бино ва кўп квартирали уйлар қурилишини мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш** механизмларини қонунда аниқ белгилашни таклиф этяпти. Шаҳарларимизда яшил майдонлар ва дарахтлар тобора камайиб кетаётгани, бу эса жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини кўриб турибмиз. Мисол учун, айни вақтда республика бўйича мингдан зиёд қурилиш объектлари атрофи ўраб олинган бўлиб, уларда 50 мингга яқин дарахтлар тақдири хавф остида қолмоқда.*

Биз **2030 йилга қадар йирик шаҳарларда йўловчиларнинг велосипедда ҳаракатланиш улушини 20 фоизга етказиш**ни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Йўлларимизда велосипед ҳаракати учун инфратузилма яратиш, **автомобиль йўли қатнов қисми ҳисобидан скутерлар ва велосипедларда ҳаракатланиш учун алоҳида йўлаклар ташкил этиш**ни таклиф қилмоқдамиз.

Маълумотларга кўра автомобилда фойдаланиш ўрнига велосипедда ҳаракатланиш улушини 6 фоизга ошириш иқлим ўзгаришини юмшатишга йўналтириладиган маблағларни ҳар йили 1,2 млрд. АҚШ доллари атрофида тежаши мумкин экан. Илғор мамлакатлар шу йўлдан бормоқда, Англия 2025 йилгача велосипедда ҳаракатланишни икки баравар оширишни мақсад қилган.

Биноларнинг **энергия самарадорлигини ошириш учун, авваламбор, лойиҳалаш жараёнида уларга аниқ талаблар қўйилиши** зарур. Мамлакатимиздаги тураржой биноларининг аксарияти ўтган асрда энергия самарадорлиги ҳисобга олинмаган ҳолда қурилгани бу масалада муаммолар нақадар жиддийлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам **туман (шаҳар)ларнинг бош режаси тасдиқланмагунга қадар қурилиш ишларини тўхтатиб туриш** таклифи қўйилмоқда.

Халқимизнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлашда яшил масканларни, ҳар битта дарахтни ҳимоялаш механизмларини яратиш талаб этилади. Сайловолди дастуримиздан барча вилоят ва туманларда **яшил майдон ҳамда дарахтзорларнинг "яшил" кадастрини ишлаб чиқиш** таклифи ўрин олган.

### *Иккинчи: экологик хавфсизликни таъминлаш ва барқарор экологик ривожланишга асосланган иқтисодиётни барпо этиш.*

Маълумки, шаҳарларда атмосфера ҳавосига чиқарилаётган газларнинг катта салмоғи автотранспорт воситаларига тўғри келади. Ҳар бир автомобилнинг икки соатлик ҳаракати давомида чиқарадиган заҳарли газлар миқдори 10 — 12 метрлик дарахтнинг икки йил давомида ишлаб чиқарадиган кислородига ҳамда 8 кишидан иборат оиланинг бир йил давомида нафас олиш учун зарур бўлган кислород миқдорига тенгдир.

Ривожланган мамлакатлар бу йўналишда аллақачон зарур чоралар кўрмоқда. Масалан, Европанинг кўплаб давлатлари 2030 йилга бориб ички ёнув двигателли автомобилларни шаҳарларда тақиқлашни режалаштирган. АҚШ ва Хитой 2035 йилгача электромобиллар ва бошқа экологик тоза транспорт воситаларига ўтишни бошлаб юборишган.

*Сайловолди дастурда **2035 йилгача мамлакатимиз автомобилсозлик саноатини тўлиқ электромобиль ишлаб чиқаришга ихтисослаштиришни** кўзда тутмоқдамиз. Шунингдек, анъанавий йўловчи ташиш поездларини замонавий тезюрар поездларга алмаштириш ва **ташиш учун йўл ҳақи нархларини мақбуллаштириш**, темир йўлларни модернизация қилиш ва кенгайтириш, **юк ташишни йирик юк машиналаридан темир йўлларга** ва **атроф-муҳитга камроқ таъсир кўрсатадиган бошқа транспорт турларига ўзгартириш** каби таклифларимиз мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.*

Албатта, бунинг учун зарур инфратузилмани яратиш, **жамоат транспортини электробуслар ҳисобидан ривожлантириш, электробусларни зарядлаш станцияларини қуриш учун эса тадбиркорларга зарур ер майдонлари ажратилиши** керак бўлади.

**"Яшил" иқтисодиёт** инсон фаолиятининг табиатга таъсирини муқобил ва қайта тикланувчи манбаларга ўзгартириш асосида атроф-муҳит тозалигини сақлаш, табиий ресурсларни тежашга хизмат қилади. Партиямиз "яшил" иқтисодиётга ўтиш ва уни қўллаб-қувватлашга оид ташаббусларни илгари сурар экан, бугун бу борадаги мавжуд муаммолар ечими учун аниқ таклифларни дастурига киритди. Хусусан, **экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи** тадбиркорлик субъектларини **қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)дан озод этиш, инвестициявий жозибадорликни ошириш мақсадида "Яшил виза"** *("Green Visa")* **дастури**ни амалга киритиш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатишга қаратилган **иқлимий молиялаштириш** *(climate finance)* тизимини жорий қилиш масалалари устуворлик касб этган. Шунингдек, "яшил" инновацияларни татбиқ қилишда **хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шерикликни ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, "яшил" ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш** учун инвестиция фондини ташкил этиш ҳамда йирик саноат корхоналарида "яшил" технологияларнинг жорий қилинишини жадаллаштириш, **саноатнинг "яшил" ва кам углеродли ривожланишини** таъминлаш каби қатор муҳим ташаббуслар ҳам илгари сурилмоқда.

### *Учинчи: энергетика хавфсизлигини таъминлаш ва қайта тикланувчи энергияни ривожлантириш.*

*Сайловолди дастуримизнинг бу йўналишида атроф-муҳитга зарар етказиш ҳисобига олинган энергия улушини **камида 25 фоизга қисқартириш**, саноатда энергия тежамкор технологияларни жорий этиш **орқали энергия сарфини 50 фоизга қисқартириш**, 2030 йилгача энергия балансида **экологик тоза ва қайта тикланувчан энергия манбалари улушини камида икки карра ошириш**, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган **"яшил" энергетика стратегияси**ни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга доир ташаббуслар олиб чиқилган.*

Бундан ташқари, йирик шаҳарлар атрофидаги чиқинди полигонлари базасида **халқаро стандартларга мос келувчи электр станциялар қуриш, биокўмир ишлаб чиқариш ва чиқиндиларнинг энергия потенциалидан унумли фойдаланиш**, электр таъминоти узилишларига чек қўйиш ва аҳолини арзон энергия билан таъминлаш чора-тадбирларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Юртимизда **водород ва биогаз каби қайта тикланувчи энергия манбалари учун технологияларни олиб киришда божхона имтиёзларини** жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш эвазига **қазиб олинадиган ёқилғи ресурсларини келгуси авлод учун захира сифатида сақлашга эришиш** каби долзарб ташаббуслар ҳам дастуримиздан ўрин олган.

Сўнгги беш йилда юртимизда хонадонлар сони **1,2 миллионтага** кўпайган, корхоналар сони эса **260 мингтага** етган ва бу, ўз навбатида, электр энергияга бўлган талабни **35 фоизга** оширган. Мамлакатимизда эса электр энергиясининг қарийб **85 фоизи** табиий газ ёқиладиган иссиқлик электр станциялари ёрдамида ишлаб чиқарилади. Табиийки, ушбу ресурслар чекланган бўлиб, охир-оқибат энергия танқислигини келтириб чиқариши билан бирга, атроф-муҳитга ўнглаб бўлмас даражада зарар етишига олиб келиши мумкин.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш эвазига биз бугун қазиб олинаётган ёқилғи ресурсларини келгуси авлод учун захира сифатида сақлашга эришамиз. Шунинг учун ҳам партиямиз мамлакатда **қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия самарадорлигига** эришиш учун:

*— **энергия тежовчи арзон уй-жойларни қуриш** бўйича лойиҳаларни рағбатлантириш;*

*— аҳоли хонадонларида **кичик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш**ни кескин ошириш ҳамда қўшимча рағбатлантириш тизимини жорий этиш;*

*— қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини харид қилган ва ундан фойдаланишни йўлга қўйган барча турдаги истеъмолчилар учун **мазкур қурилма харид қийматининг 50 фоизини давлат томонидан субсидиялаш** тизимини жорий этиш;*

*— 2050 йилгача **60 — 80 фоиз уйларни иситиш тизимининг қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан қопланишини** ташкил этиш бўйича дастур қабул қилиш мақсадини қўймоқда.*

Давлат муассасалари объектлари, кўп квартирали уйлар ва майдони **1000 квадрат метрдан ортиқ** бўлган объектлар учун **энергия тежовчи технологияларни** ўрнатиш тартибини белгилаш вақти келди.

### *Тўртинчи: табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш.*

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, она табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш — замонавий ва кучли давлатни барпо этишда устувор вазифалардан бири.

*Аввало, **дарахтзорлар мавжуд бўлган ер** майдонларининг қурилиш мақсадларида реализация қилинишини **қонун билан тақиқлаш, 10 ёшдан катта дарахтларни кўчириб ўтказишга бутунлай чеклов қўйиш**, керак бўлса қурилиш мақсадларида дарахтларни ноқонуний кесган тадбиркорларнинг **ерга бўлган ҳуқуқини бекор қилиш** тартибини жорий этишимиз зарур. Мана шундай кескин чораларгина дарахтлар кесилишини тўхтатиши мумкин.*

Тан олиш керакки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда дарахтлар, буталар ҳамда бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказганлик учун белгиланган жазонинг кучайтирилганига қарамай **кўрилаётган чоралар экологияга етказилаётган зарарга мутаносиб эмас**лигича қолмоқда.

Шу боис партиямиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига қонунга хилоф равишда етказилган зарар учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш ва ушбу **қонунбузарликлар учун 10 баравар миқдорда** зарарни ундиришни, Ўзбекистон Қизил китобига киритилган **ўсимликлардан фойдаланишга ва ёввойи ҳайвонларни ов қилишга муддатсиз мораторий** эълон қилишни, ёввойи ҳайвонларни овлаш учун белгиланган тўлов миқдорини эса **10 баробарга** оширишни таклиф этмоқда.

Чиқиндини қайта ишлаш борасида ҳалигача кўплаб муаммолар мавжуд. Биз аҳоли пунктларида **қайта ишланадиган чиқиндиларни автоматлаштирилган тартибда қабул қилиб оладиган** қурилмаларни ўрнатиш тарафдоримиз. Бу чиқиндини хонадонларнинг ўзида саралаб олиб чиқишга рағбатлантиради. Умуман, барча турдаги савдо шохобчалари ва марказларида пластик, бир марталик қоплар ҳамда шиша идишларни қабул қилиш пунктлари жорий этилса, аҳоли учун катта қулайлик яратилади.

### *Бешинчи: ер-сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш.*

Бутун дунёда ер-сув, озиқ-овқат ресурслари тақчиллиги ортиб бормоқда. Аҳоли сонига мутаносиб тарзда эҳтиёжларнинг ҳам муттасил ошиши ортидан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тизимли экологик муаммолар шундоққина остонамизда турибди.

Партиянинг мазкур йўналишдаги **генетик модификацияланган организмлар *(ГМО)* маҳсулотларининг миқдори бўйича маълумотларнинг маҳсулот ёрлиқларида аниқ кўрсатилишини таъминлаш, органик маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш** борасидаги ғоялари эътиборга моликдир.

Маҳсулот ёрлиқларида унинг таркибидаги **ГМО маҳсулотларининг миқдори бўйича маълумотлар**нинг аниқ кўрсатилиши ҳуқуқини ихтиёрий сертификатлаштириш тизими орқали рўйхатдан ўтган ишлаб чиқарувчиларга берилишини тартибга солиш, биринчи навбатда, **истеъмолчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш** билан биргаликда ишлаб чиқарувчига савдо бозорини кенгайтириш имконини ҳам яратади.

Амалдаги қонунчиликда органик маҳсулотлар соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг йўллари белгиланган. Шу нуқтаи назардан, органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва реализациясини қўллаб-қувватлашнинг **аниқ ҳуқуқий механизмларини жорий қилиш** муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳосилдор ерларнинг фойдаланишдан чиқиши кузатилади. Шунинг учун ҳам **фойдаланишдан чиққан ерларни қайта фойдаланишга киритиш** чораларини кўриш бугун ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга. Биз суғориладиган майдонлардан янада самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун **ерларни экишга тайёрлашда ресурс** ва **энергия тежамкор, экологияга безарар бўлган "No-TiLL"** *(ерга минимал ишлов бериш)* каби инновацион технологияларни кенг жорий этишни таклиф қилмоқдамиз.

*Партиямиз **ёмғир сувидан самарали фойдаланиш дастури**ни ишлаб чиқиш, ҳудудларда ёмғир сувидан фойдаланган ҳолда кичик яшил майдонлар ва боғлар барпо этиш, **қор-ёмғир ва сел сувларини йиғиш** имкониятини бутунлай қайта кўриб чиқишни таклиф қилмоқда. 2025 йилдан **қурилиш майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган уй, бино ва объектларда ёмғир сувини йиғиш** тартибини жорий этмоқчимиз.*

Партиянинг сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган ташаббуслари мамлакатимизда иқлим ўзгаришига мослаштириш ва унинг иқлимга салбий таъсирини юмшатишга хизмат қилади.

Партиянинг Сайловолди дастуридаги **2030 йилга қадар пестицидлардан фойдаланиш ҳажмини 50 фоизга камайтириш** ташаббуси Ўзбекистон томонидан 2019 йил 8 майда ратификация қилинган Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенцияси *(2001 йил 22 май)* бўйича зиммасига олган мажбуриятларига мос бўлиб, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган пестицидлар ҳажмини қисқартиради, уларнинг атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига хавфини сўзсиз камайтиради.

### *Олтинчи: давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш.*

Бугун атроф-муҳитга зарарли таъсирлар оқибатини бартараф этиш, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга оид бир қатор қонунчилик ҳужжатларини тубдан қайта кўриб чиққан ҳолда такомиллаштириш талаб этилади.

Айни вақтда малакали **юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, эколог-ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш**га эҳтиёж юқори. **Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ва жиноий ишларни кўриб чиқиш** бўйича **ихтисослашган судлар ташкил этилмаган**. Бу борада зарур чораларни кўриш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мамлакатимизда энг ташвишли муаммолардан бирига айланиб бўлди. Чунки йўл-транспорт ҳодисалари ва уларда қурбон бўлганлар сони юқорилигича қолмоқда. Биргина жорий йилнинг январь — май ойлари мобайнида содир бўлган **359 та** йўл-транспорт ҳодисасида **65 нафар бола** ҳаётдан кўз юмган, **294** нафари турли даражада тан жароҳатлари олган.

*Партиямиз йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, **йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солишни қоуности ҳужжатларидан қонун асосида тартибга солишга ўтказиш**ни таклиф этмоқда.*

Ёшларимизни турли салбий иллатлардан асраш, уларнинг саломатлигини таъминлаш учун партиямиз Сайловолди дастурида аниқ ташаббуслар билан чиқмоқда. Жумладан, **2009 йил 1 январдан кейин туғилган шахсларга 2030 йилдан бошлаб тамаки маҳсулотлари сотилишини тақиқлаш**, инсон саломатлиги, айниқса, болалар соғлиғига энергетик ичимликларнинг салбий таъсирини инобатга олиб **21 ёшдан кичик шахсларга энергетик ичимликлар сотишни тақиқлаш** таклиф этиляпти.

### *Еттинчи: глобал иқлим ўзгаришларига мослашиш ва Орол денгизи қуриши оқибатларини юмшатиш.*

*Сайловолди платформамизда **Оролбўйи ҳудудида биохилмахилликни сақлаш**, иқлим ўзгаришини юмшатиш, чўлланишнинг олдини олишга қаратилган лойиҳа ва дастурларга халқаро молия институтларини кенг жалб этиш, **Қизилқум чўли ҳудудида саҳрога мос ўсимликлар экиш** орқали қум бўронлари кўтарилишининг олдини олиш ва **яйловлар деградациясини тўхтатиш**га эришиш каби вазифалар қамраб олинди.*

Мисол учун, бугун юртимизнинг энг ноёб табиий сув ҳавзаларидан бири ҳисобланган Айдар-Арнасой кўллар тизими Орол фожиасидек муаммо қаршисида турибди. Афсуски, ушбу кўллар тизимида охирги йилларда сув сатҳи тобора пасайиб, тузланиш даражаси ошмоқда.

Ушбу вазиятдан келиб чиқиб партиямиз **Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳудудида экотизимни тиклаш ҳамда экотуризмни ривожлантириш** дастурини ишлаб чиқишни таклиф этмоқда. Рамсар конвенциясига киритилган "Судочье-Акпетки" давлат буюртма қўриқхонасининг Судочье кўллар тизимида сув сатҳи пасайишининг олдини олиш чораларини кўриш зарур.

### *Саккизинчи: ташқи сиёсат ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.*

Экологик муаммолар чегара билмайди. Шунинг учун ҳам минтақадаги мамлакатлар томонидан табиат муҳофазасига доир халқаро шартнома ва конвенциялар тузиш, экология ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарур.

**Марказий Осиё экологик иттифоқини ташкил этиш** орқали табиий ресурслар, биохилмахилликни сақлаб қолишга эришишимиз мумкин. Бу минтақадаги йирик нодавлат ташкилотлардан бирига айланиши, шубҳасиз.

Марказий Осиёда барқарор энергетика инфраструктурасини шакллантириш мақсадида қўшни давлатлар билан **муваққат энергия захираларини яратиш**, фавқулодда ҳолатларда **энергия ресурсларини ўзаро алмашиниш** тизимини жорий қилиш долзарб аҳамиятга эга. Шунингдек, қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда **ҳайвонларнинг миграция йўлларини ҳимоя қилиш**, миграция йўналишларида қўриқхоналар ташкил этиш ноёб ҳайвонлар популяцияси учун жуда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Экологик партияси томонидан халқимиз эътиборига ҳавола этилаётган ҳар бир мақсаднинг нақадар долзарб ва ҳаётий зарурат эканини бугунги атроф-муҳитнинг ўзи айтиб турибди. Табиатнинг бугунги овози бу ҳаракатларни амалга оширишга даъват этмоқда.

**Бўлажак сайловларда ҳам "яшил" ва мусаффо ҳаёт, соғлом келажакни истаганларнинг барчаси биз томонда!**

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**Камол ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосарлари.**

**ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИГА, ПАРТИЯМИЗДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

Сенат қўмитасида

# ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

*Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг мажлисида иккита муҳим қонун дастлабки тарзда муҳокамадан ўтказилди.*

*Унда сенаторлар, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари, экспертлар гуруҳи аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

Тадбирда биринчи бўлиб “Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисидаги 132-сонли Конвенциясини (1970 йилда қайта кўриб чиқилган) (Женева, 1970 йил 24 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, бу халқаро ҳужжат 38 та давлат томонидан ратификация қилинган бўлиб, унда меҳнат муносабатларида ходимларнинг иш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқларини, шу жумладан, дам олиш ва ҳақ тўланадиган таътиллардан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлаш чораларини янада кучайтириш каби масалалар қамраб олинган.

Конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга, шунингдек, миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, ходимларнинг дам олиш ва ҳақ тўланадиган таътиллардан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича халқаро стандартларни самарали жорий этишга кенг имконият яратади. Айни чоғда Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларда ижобий имижини оширишга ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига интеграциялашувини жадаллаштиришга замин ҳозирлайди.

Сўнгра мажлисда “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида махфий ахборотни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битимни (Сиань, 2023 йил 18 май) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Битимда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматларининг икки томонлама ҳамкорлиги жараёнида томонлар бир-бирига ҳар қандай шаклда берадиган (оладиган), шунингдек, шаклланган махфий ахборотларни ўзаро ҳимоя қилишни таъминлашга оид масалалар ўз ифодасини топган.

Битим ратификацияси Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида ўзаро манфаатли сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга имкон беради. Қолаверса, икки томонлама муносабатлар жараёнида ҳар қандай шаклда берадиган (оладиган) ва шаклланадиган махфий ахборотларни томонларнинг Ҳукумати тарафидан ўзаро ҳимоя этилиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЕХҲТ ДИИҲБ ва МДҲнинг сайловларни кузатиш миссиялари вакиллари билан учрашув

MSK O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI

*Марказий сайлов комиссиясида ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ) ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)нинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларини кузатиш бўйича миссияси вакиллари иштирокида учрашувлар ташкил этилди.*

Учрашувлар аввалида МСК Раиси З. Низомхўжаев ЕХҲТ ДИИҲБ миссияси раҳбари Уэйк Дуглас, бюронинг сайловлар бўйича таҳлилчиси Тейлор Крис Джон ҳамда миссия экспертлари Рижа Дорота ва Инаишвили Каха билан мулоқот олиб борди.

Шунингдек, куннинг иккинчи ярмида Марказий сайлов комиссиясига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Бош котиби ўринбосари Д. Трефилов ҳамда МДҲ Ижроия қўмитаси Миссия штаби раҳбари Е. Козяк ташриф буюрди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомхўжаев бўлиб ўтган мулоқот давомида халқаро ташкилотлар Ўзбекистонда ўтказилган сайловларни кузатиш миссияларининг натижалари бўйича ҳисобот ва хулосалардаги тавсияларни миллий қонунчилигимизга ва амалиётимизга имплементация қилиш, сайловларга оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар тафсилотига тўхталиб ўтди.

Халқаро ташкилотлар сайловларни кузатиш миссияларининг натижалари бўйича ҳисобот ва хулосалардаги тавсиялар Ўзбекистонда сайлов ва референдум қонунчилигини янада такомиллаштириш, сайлов ва референдум амалиёти самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётгани алоҳида эътироф этилди.

— Биз Ўзбекистон таклифига биноан сайловларни кузатиш миссиясини ўтказиш учун келдик, — дейди ЕХҲТ ДИИҲБ миссияси раҳбари Уэйк Дуглас. — Мамлакатингиз учун муҳим сана — 27 октябрда бўлиб ўтадиган сайловларда жараённинг қандай ўтаётганига баҳо бериш билан шуғулланамиз. Ва мазкур сайловлар Ўзбекистон ва ЕХҲТдаги бошқа барча иштирокчи давлатлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларга қанчалик мос келиши масаласида ўз хулосаларимизни тақдим қиламиз. Марказий сайлов комиссияси Раиси ва аъзолари билан ўз ишимизни қандай давом эттиришимизни муҳокама қилдик. Масалан, Тошкентда сайлов жараёнининг турли жиҳатларини, жумладан, сайловолди ташвиқоти, оммавий ахборот воситалари ҳамда сайловолди жараёнларининг ҳуқуқий асосларини кўриб чиқадиган экспертлар гуруҳи ташкиллаштирилиши масаласи шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, бизнинг барча ишимиз нафақат Ўзбекистонда, балки Европада, Евроосиёда, Шимолий Америкада, жумладан, АҚШда ва барча иштирокчи давлатларда қўлланиладиган методологияга мувофиқ амалга оширилади. Бир хил стандартларнинг қўлланиши ЕХҲТга аъзо давлатларда сайловларни кузатиш жараёнидаги шаффофлик ва бундан ҳам муҳими, келгуси тадбирлар учун тавсияларимиз барча аъзо давлатлар учун фойдали бўлади.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси Раиси ЕХҲТ ДИИҲБ ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги миссияси вакиллари билан бўлган мулоқотлар чоғида жорий йил 27 октябрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари аралаш сайлов тизими асосида ўтказилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари, миллий сайлов амалиётига татбиқ этилган янгиликлардан яна бири — “E-Saylov” ахборот тизими ва мазкур тизимнинг афзалликлари юзасидан батафсил маълумот бериб ўтди.

Хусусан, сайлов кампанияси тобора қизғин паллага кириб бораётгани, бу масъулиятли жараён Марказий сайлов комиссияси томонидан Сайлов кодексида белгиланган тартибларга биноан изчиллик билан мувофиқлаштириб борилаётганлиги, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларга ошкоралик бериш мақсадида тадбирларнинг тартиби, босқичлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотлар, энг аввало, сайловчиларга ҳамда сиёсий партияларга Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тезкорлик билан етказилаётгани таъкидланди.

Мулоқотлар конструктив ва самимий тарзда ўтди. Марказий сайлов комиссияси ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида бу каби мулоқотларга доим тайёр ва очиқ эканлиги қайд этилди.

**«Халқ сўзи».**

Чустий таваллудининг 120 йиллигига

# ЭЙ ТАФАККУР ОЛАМИДА ФИКРИ ДАРЁ ДЎСТЛАР

***Жорий йилда атоқли шоир Чустий таваллудининг 120 йиллиги нишонланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси, Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида фармойиши билан ўтказилаётган шоиримизнинг таваллуд айёми барча элдошларимизга қутлуғ бўлсин, деймиз.***

***Ушбу маърифатпарвар ижодкор ҳақида, у кишининг “Сайланма”си учун сўз ёзиб бериш фикри хаёлимда ҳам бўлмаган тиғиз ва тиқилинч кунларда масъулноширлардан шундай таклиф тушганию, мен уни ҳеч иккиланмасдан дарров қабул қила қолганимнинг боиси бор, албатта. Иккинчи томондан, “Чустий домла билан кўришмаган, гаплашмаган бўлсам, нима ҳам дейишим мумкин...” деган иштибоҳ кўнгилни чимчилаб турар, айни дамдаги андаккина безовта бўлиб туришим шундан эди.***




Бироқ энг яхши суҳбатдош ва гурунгдош шоирнинг асарлари — шеърлари, ғазаллари эдики, мен ҳар ҳолда бундан озроқ хабардор эдим.

Бу орада анча-мунча китоб ва манбаларни титкилашга тўғри келди. Шоир бобонинг таржимаи ҳолига доир ажиб ва кутилмаган маълумотлар, қизиқ ва ажабтовур гаплар, истибдод замонида у кишининг бошига тушган турфа савдолардан бохабар бўлиб, танг аҳволда қолганимни ҳам айтишим керак. Буни қарангки, Чуст ва Қўқондаги эски мактаб ва мадрасаларда таълим олган Чустий домла Мир Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллик санасини ўтказишга тайёргарлик муносабати билан Тошкентга ишга чақирилган экан. Шу йиллар давомида Муқимий театрида адабий эмакдош ва директор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт фондида директор вазифаларида ишлаш баробарида, асосан, мумтоз шеърият йўлида самарали ижод қилиб, ғазал, мухаммас, мусаддас, мураббa, рубоий, туюқ ва маснавийлар ёзиб, бу борада анчайин шуҳрат қозонган шоир сифатида элга танилиб бўлган эди. Манбаларга кўра, “...Иккинчи жаҳон уруши йилларида фаол ижод қилиб, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик мавзуларида қатор шеърий ҳамда долзарб саҳна асарлари ҳам ёзган” эканлару, энг ажабланарлиси, бир кун келиб, ана шундай ижтимоий фаол ва ҳозиржавоб шоири замон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари сафидан ўчирилган ҳам экан!..

“Замон нозик, дўппим тор эди” дейилганидек, кейинчалик, орадан эллик-олтмиш йиллар ўтиб, XXI асрнинг ўн учинчи йили, авжи истиқлол замонида, устоз Эркин Воҳидовнинг “Муҳаббатнома” девонига муқаддима бўлмиш “Чустий ҳақида сўз” бағишловида шундай хотираларни ўқиймиз:

*“Чустий хушчақчақ, ҳозиржавоб ва дилбар инсон сифатида тасаввуримга муҳрланган. Мумтоз адабий мактаб анъаналари руҳида тарбия топган Чустийнинг собиқ совет даври шароитидаги ҳаётида кўпгина ёқимсиз ҳодисалар бўлгани маълум. Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ўчирилгани, асоссиз-асосли танқид ва таҳқирлар ҳар қандай ижодкорни “синдириши” мумкин эди. Аммо мен Чустий билан кўп маротаба ҳар хил шароитда учрашган бўлсам ҳам, уни ҳеч қачон ҳазин, руҳан эзик, умидсиз ҳолда кўрган эмасман. Чустий ўз ғам-ғуссасини ичига юта биладиган, кишиларни ўзининг мотамига эмас, байрамига ҳамроҳ ва ҳамдам этадиган ажойиб инсон эди. Тоғам раҳматлининг хонадонида бўладиган суҳбатларда Чустий мумтоз адабиётнинг билимдони сифатида ҳам давранинг муҳаббатига сазовор эди...”*

Устознинг эътирофига кўра, адабиётимиз тарихида бутун бир авлод жавлон урганки, унинг хизмати ҳали ўзининг тўла баҳосини олган эмас. Ўтган асрнинг 20-йилларида бой маданий ва адабий меросимизга ихлосимиз қораланди, ўтмиш маданиятимизни ўрганиш ман этилди. Кейинроқ бу соҳада анча енгиллик пайдо бўлган бўлса ҳам, аввалги салбий муносабатнинг касофати маълум даражада сезилиб турди ва меросимизни ҳақиқий кенг миқёсда ўрганишга тўсиқ бўлди. Ҳатто олтмишинчи йилларда ҳам, масалан, минг йиллик шеъриятимизнинг шакли бўлган арузга салбий муносабат расмий равишда “катталар”нинг нутқ ва мақолаларида аниқ изҳор қилинган.

Узоқ ҳукм сурган ана шу инкорчилик шароитида, дея ўша даврга баҳо бераркан, Эркин ака ўзи сув ичган дарёларни ҳам бир-бир эслаб ўтади: Сўфизода, Хуршид, Ҳабибий, Чархий ва Чустий каби шоирлар мумтоз адабиётимиз анъаналарини давом эттирдилар ва бу анъаналарнинг ҳаётийлигини исбот қилишдан тўхтамадилар. Уларнинг ижоди ўз қудрати ва маҳорати, айниқса, халққа яқинлиги билан ёш шеърий авлодни ҳам анъанавий шеър ёзишга даъват этди. Шундай қилиб, Чустий ва унинг ҳамкорлари ўтмиш адабиётимиз ўртасига кўприк солиб бердики, бу жасур қадам ва катта тарихий хизматдир.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларнинг узвий давоми сифатида бошқа бир иқтибосни ҳам эслатиб ўтмоқ лозим. Иззат Султон домла ёзиб қолдирган экан:

“Адабиётимизни, унинг энг муҳим воситаларини ҳимоя қилишнинг бирдан-бир йўли мумтоз адабиётимизда минг йиллардан бери қўлланилиб келган арузни ижодда давом эттириш эди. Собиқ тоталитар тузум даврида эса аруз ва арузда ижод қилган шоирларга қарши қаттиқ ҳужум ва кураш борарди. Ўша шароитда Чустий каби ҳақиқий шоирларнинг ижодида марказий ўрин тутган аруз ўзига нисбатан муносабатнинг мутлақо хато эканини қайта-қайта исботлаб турарди... Мамлакатимизда аруз соҳасида ҳам адолат ғалаба қозонган экан, демак, Чустий ижоди ва журъатининг бу борадаги қиммати жуда каттадир.

Бугунги замонларнинг садағаси кетсанг арзийдики, гапни қаранг, тузумни қарангу унинг темир чангалларини қаранг: бутун бир халқ, яхлит бир миллатнинг минг асрлик адабий, руҳий ва маънавий қалб харитасини белгилаб берган аруз аталмиш назмий анъана қатағонга учраса, таҳқирланса?! Бугунги ёшлар, бугунги навқирон китобхонлар англасин, тасаввур ҳосил қилсин деган ниятда қамров ва кўламни нима учун кенг ва мўл олганимизни тушунгандирсиз...”

Шу боис ҳам ўша даврда — 1977 йил санаси билан ҳар бири ўн минг нусхадан — жами йигирма минг нусхада ўзбек ва рус тилларида чоп этилган “Совет Ўзбекистони адиблари” — “Писатели советского Узбекистана” маълумотнома китобларида Чустий домла ҳақида лом-мим дейилмаган. Гўё у киши бу сафда мутлақо йўқдай, бўлмагандай, бу қатордан бутунлай бадарға қилингандай. Замон чархи — бор, мунглуғ кўзлари тутқундайин мўлтираб қараб турган Чархий бор, чархи кажрафтор бору шоир Чустий йўқ. Чустий номи папируснинг қоғозидай шу сариқ қоғозгинага ҳам раво кўрилмаган! Беихтиёр Эркин аканинг “Эй мунаққид, сен ғазални кўҳна деб камситмагил, Севги ҳам Одам Атодин қолган инсон қонида” деган машҳур сатрлари ёдга келади. Биринчи мисрадаги “мунаққид” сўзидан тимсолан темир-бетон панжали зобит замон назарда тутилганини зукко ўқувчи дарров илғагани аниқ.

Чустий муаллимнинг “Бўлса, бас!” номли мусаддасида битилган мана бу ўтли мисралар ҳам ўша дилгир ва хафақон кунларда ёзилган бўлса, ажабмас:

***... Одам авлодига ҳаргиз бўлмасин дунё қафас,***
***Олмасин райҳонлар ўрнин гулшан ичра хору хас,***
***Бу жаҳон булбуллари мен бирла бўлсин ҳамнафас,***
***Менга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса, бас.***

Бу шеърни мен яхши билардим. Бу шеърни биз кўпчилик ёру ошноюю жўралар бундан қирқ-қирқ беш йиллар аввал қўшиқ қилиб, хиргойи қилиб айтиб юрганмиз. Ўзбекистон халқ артисти, оташнафас санъаткоримиз Шерали Жўраев авжи ҳаддига чиқариб, тошиб ва жўшиб куйлаган бу ва яна “Керма манманлик билан ўрнида турган қошни” сингари қўшиқлари биз, ўша пайтда тошқин солиб юрган бир гала ошиқу ошифта ёш шоирлар ва мухлислар учун ҳам бағоят севимли ва дилкаш эди. Орадан салкам ярим аср ўтибдики, бу дилбар наволар ҳамон биз билан бирга, шоиримиз йўқ, улуғ ҳофизимиз ҳам, Аллоҳ раҳмат қилсин, Кўкча қабристонида ётибдилар, аммо ғазаллари, қўшиқлари биз билан йўлдош, сафардош, ғуссага ботганимизда, бир эшитсак — тамом, кўнгиллар яйраб, боғу бўстондай яшнаб кетамиз:

***Одам ўғли бўлмагайсан, бўлмаса халқинг ризо,***
***Эл сени шарманда дейдур, қилмасанг шарму ҳаё.***
***Пок диллар кир юраклар бирла бўлмас ошно,***
***На қилай ундай кўнгилни, бўлмаса унда вафо?***
***Сақламас сандуқда ҳеч ким қиммати йўқ тошни.***

***Нокерак бўлма жаҳонда доимо даркор бўл,***
***Гул каби чеҳранг очиб юр, халқ учун гулзор бўл.***
***Бағрида яйратган элдан шоду миннатдор бўл,***
***Қўлга санчилма тикондек, балки беозор бўл.***
***Кекса ҳам ҳурмат қилур одоби бўлган ёшни.***

Ўзбекона айтганда, одам эшитганда ҳам, ўқиганда ҳам маза қилади, тўғримасми!

Чустий домланинг барчамизни то ҳануз ҳайратга солиб келаётган, бир мисрасини сарлавҳага чиқарганимиз **“Оқибатни ким билур?”** номли мухаммаси бўлиб, шоир бобонинг гўзал назмий битиклари қаторида шаксубҳасиз алоҳида мақом ва мавқега муносибдир. Мен ўзим бу мухаммасни илк бор шеър ва қўшиқ тарзида, жонли ижрода таниқли ҳофиз Неъматжон Қулабдуллаевдан эшитганман. Бир гуруҳ шоирлару санъаткорлар автобусда Тошкентдан Бекобод сари адабий-маърифий учрашувга кетаётган эдик, устоз Жуманиёз Жабборов бош баковул, Неъматжон ака дуторини олган, йўлнинг танобини билдирмаслик учун шеърхонлик, ҳазил-мутойиба қилиб бораётирмиз. Йўлнинг икки томони кенг дашту далалар бошланадиган қисмига келганимизда Жуманиёз аканинг илтимоси билан ҳофизимиз дуторини ғилофдан чиқариб, пардасини аста созлаб, замзамани бошлади:

***Эй тафаккур оламида фикри дарё дўстлар,***
***Бир саволимга жавоб бергайму доно дўстлар,***
***Билгали бир сир иложи борми асло дўстлар,***
***Ҳайратимни орттирар ҳар дам бу дунё дўстлар,***
***Телба этмасму мени охир бу савдо, дўстлар.***

***...Оқибатнинг чеҳраси шундай узоқ, пинҳон экан,***
***Қанча донишманд эса, бу маънида нодон экан,***
***Ҳай дариғ, оз вақт учун инсон азиз меҳмон экан,***
***Қолса яхши номи элда, Чустий беармон экан,***
***То абад қолгай юракларда бу сиймо, дўстлар.***

Қўшиқнинг авж пардаларига келганда, айниқса, “Боғу роғим кимга қолгай, ким учун доғим қолур, Бу муаммо, бу муаммо, бу муаммо, дўстлар” ёки “Бу таажжубдир, таажжубдир, таажжубдир ажиб, Менга пинҳон, кимга маълумдир бу маъно, дўстлар” байтларини кўзларини юмиб, астойдил нолакор оҳангда айтар экан, Неъматжон ака ҳозир ҳаммани сел қилиб, ўзи ҳам сел бўлиб, буткул сеҳрлангандай бир самовий ҳолатда эдики, автобусдалигимиз ҳам эсимиздан чиққан эканми, йўлнинг бир ўнқирига тушган ғилдиракдан назм ва наво автобусимиз қаттиқ силкиниб кетганда ўзимизга келдик...

Ўшанда Неъматжон ака кўпчилик ёш санъаткорлару шоирлар мумтоз адабиётни билмаслиги, ғазал ўқимаслигию Чустий ижодидан мутлақо бехабар эканлигидан ҳасрат қилган эди...

Мен яна Чустий домла қаламига мансуб жуда кўп шеъру ғазалларни, мисол учун, бугунги кунгача аҳамиятини йўқотмаган “Яхши ота-онадир”, “Ота ҳурмати”, “Ақли расо бўлсин”, “Фарзандлар учун”, “Дам ғанимат” сингари кўплаб ахлоқий-тарбиявий мавзудаги шеърларини, ўша замон тазйиқларига худди жавоб тарзида янграгувчи “Аруз илҳоми” мухаммаси, “Ким етдию, ким етмади”, “Ким кейин, ким илгари” сингари ўнлаб ғазал ва мухаммасларини айтиб ўтишим мумкин. Бу асарлар шунчаки эрмакка ёзилмаган, ҳар сатри, ҳар байтида катта бир юракнинг, бедор-беором бир қалбнинг уйғоқ садоларию туғёнлари гупуриб эшитилиб туради.

Домланинг “Индамаслар олами” маснавий достони алоҳида мавзу. Ўша қийин ва қабоҳат йилларда ҳам тиниқли санъаткорлар томонидан қўшиқ қилиб айтилганда, салкам минг кишилик давраларнинг чинқириқ сукунатига гувоҳ бўлганмиз. Демак, одамзод фақат яхшилик учун яралган, яхшилик учун одам болаларига умр берилган. Қадр этиб, қадр топиб, элу юрт учун фидо бўлиб яшамоқнинг саодатию одамзоднинг ўкинч ва армонларини ўзида мужассам этган бу достоннинг вазифаси билан аҳамияти ҳеч қачон эскирмайди. Чустий домланинг ўлмас ижоди сифатида то аруз, то назм салтанати мавжуд экан, бу асар яшайверишига, уни битган шоир ҳам барҳаётлигига кафолатдир бу.

Модомики, гап сайланма асарлар хусусида кетар экан, азиз китобхонларни Чустийнинг ўзлари орзу этгандайин анча мукаммал ва тугал-тўкис тайёрланган бу емирилмас муҳташам назмий обида билан яна бир карра муборакбод этамиз.

Назмий тарихимиздан маълумки, Навоий бобомизнинг авлодларга қарата битган насиҳатнома шеърлари бор, Ҳофиз Шерозий, Саъдий насиҳатномалари бор. Сўзимизни Чустий домланинг “Васиятнома”сидаги дардли ва армонли байтлари билан якунламоқни лозим топдик:

***Одамий бўл, одамий бўл, одамий,***
***Сенда бўлсин одамийларни ғами.***
***Бу улуғ ҳикмат Навоийни сўзи,***
***Маъни афлокини ёруғ юлдузи.***
***Доимо ўтганларингни ёд қил,***
***Руҳи покин эсла, ҳар дам шод қил.***
***Ота-она руҳини қилсанг ризо,***
***Ҳурматинг фарзандларинг айлар бажо.***
***Айла доим яхшилик боғида сайр,***
***Жаннатул — Фирдавс аро кўргунча хайр!***
***Фотиҳа чоғида сиз айлаб карам,***
***Ёд этингиз камтарин Чустийни ҳам.***

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 12 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.36 Топширилди — 03.50 1 2 3 4 5 6